

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

САРВАР САДУЛЛАЕВИЧ ОТАМУРАТОВНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ЭТИБ
РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан кўрсатилган номзод **Сарвар Садуллаевич ОТАМУРАТОВ**ни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 25-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан кўрсатилган **Сарвар Садуллаевич ОТАМУРАТОВ** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 28 октябрь,
№ 760.